



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI GIDROMETEOROLOGIYA  
XIZMATI MARKAZI “O’ZGIDROMET”  
BUYRUG’I**

307-Т -сон

Тошкент ш.

14. 12. 2020 у.

**Ўзгидромет махсус (танлов)  
комиссиясини тузиш тўғрисида**

Ўзгидрометда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 22 майдаги 185 - сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигидан 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 4812 - сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 22 майдаги 185 - сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигидан 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 4812 - сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзгидромет ва унинг қуйи ташкилотларида танлов ўтказиш тартиб тамойиллари бўйича товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорда ва ишларнинг, хизматларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларни амалга оширишда тижорат таклифларини холис баҳолаш учун қуйидаги таркибда харид комиссия тузилсин:

- Раис:** - Ўзгидромет бош директорининг биринчи ўринбосари;
- Раис ўринбосари:** - Автохўжалик ва моддий техник таъминот хизмати (АМТТХ) бошлиғи;
- Комиссия аъзолари:** - Ўзгидромет бош ҳисобчиси;
- Сув кадастри ва метеорологик ўлчовлар бошқармаси (СКМЎБ) бошлиғи;
- Гидрометеорологик маълумотлар таъминоти хизмати бошлиғи (ГММТХ);

- Ер усти тармоқлари ва энергетика бўйича муҳандислик хизмати кўрсатиш хизмати (ЕУТЭМХК) бошлиғи;
- Молия бўлими (МБ) етакчи мутахассиси;
- Атмосфера, юза сувлар ва тупроқ ифлосланиши мониторинги хизмати (ИМХ) бошлиғи;
- Агро ва гидрометеорологик кузатувлар методологияси хизмати (АГКМХ) бошлиғи;
- Модернизация ва инновацияларни жорий қилиш бўлими бошлиғи;
- Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси.

3. Харид комиссияси Ўзгидромет томонидан ЎзРТХАБ махсус ахборот порталига қўйилган эълон бўйича танлов ўтказиш тартиб тамойилларига асосан товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорда ва ишларнинг, хизматларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларни амалга оширишда тижорат таклифлари бўйича энг яхши таклифларни саралаб олиш асосида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди юзасидан қарор қабул қилиш мақсадида йиғилиш ўтказсин ва ўрнатилган тартибда танлов далолатномасини расмийлаштирасин.

4. Харид комиссия аъзолари танловда узрли сабабларга кўра қатнаша олмаса уларнинг ўрнига ўринбосарлари иштирок этишига ҳамда танлов аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми, тоқ сондаги аъзолар қатнашганда танлов ўтказишга рухсат этилсин.

5. 2015 йил 26 ноябрдаги № 407-Т сонли буйруқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Буйруқни бажарилишини назорат қилиш Бош директорнинг биринчи ўринбосари Б.Нишонов зиммасига юклатилсин.

**Бош директор**



**Ш. Хабибуллаев**